

“ILMIY TAFAKKUR VA ZAMONAVIY TADQIQOTLAR: MUAMMOLAR, YECHIMLAR VA ISTIQBOLLAR” MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY KONFERENSIYASI
Qabul qilindi: 5-sentabr 2026-yil • Ma’qullandi: 12-sentabr 2026-yil • Nashr qilindi: 14-sentabr 2026-yil

TRICHOGRAMMATOIDA BACTRAE БИОЛАБОРАТОРИЯ ВА БИОФАБРИКАЛАРДА КЎПАЙТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИ

Шаропов Шахзод Шухрат ўғли

ORCID: 0009-0008-7303-8284

Trichogrammatoida bactrae паразит энтомофагини 2024-йили Кимсанбаев Х.Х; Шаропов Ш.Ш. томонидан Ўзбекистонга Ҳиндистондан интродукция қилинди. Trichogrammatoida bactrae интродукция қилишдан олдин, энтомофагнинг биологияси, экологияси, ҳудудни табий иқлим шароитлари ва зараркунандаларга ихтисослашганлиги ўрганиб чиқилди.

Бугунги кунда Trichogrammatoida бастрае биолабораторияда, дон куяси ҳамда мум парвонасининг туҳумларида оммавий кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилмоқда.

Trichogrammatoida bactrae бринчи марта 1978- йил шириланкада шоли куясининг туҳумларида Ҳиндистонлик олим Нагаража томонидан аниқланган. Бу тур ғўза куяси, помидор куяси, картошка куяси, хамда карам куясига ихтисослашган.

Бугунги кунда Trichogrammatoida bactrae устида биолаборатория шароитида кўплаб тажрибалар олиб борилмоқда. Энтомофагнинг яшовчанлиги, насилдорлиги, эркак ва урғочи сонларини нисбати, турли ҳароратлардаги ҳусусиятлари, ҳамда ғумбакларни диапауза холатида қанча муддатга сақланиши ўрганилмоқда.

Trichogrammatoida bactrae биолабораторияда олиб борилган тажрибаларда, дон куяси тухумида 25-27C^0 ҳарорат, 60-70% намликда зараралаш даражаси 90-95 %ни, яшовчанлик 7,6 кунни, эркак ва урғочи жинсий нисбат 1:8 да бўлиб, 25-27C^0 ҳарорат, 40-50% намликда зараралаш даражаси 59-67 %ни, яшовчанлик 5,1 кунни, эркак ва урғочи жинсий нисбат 1:8 эканлигини тажрибаларда аниқланди.

Мумпарвонаси тухумида 25-27C^0 ҳарорат, 60-70% намликда зараралаш даражаси

86-91 %ни, яшовчанлик 8,2 кунни, эркак ва урғочи жинсий нисбат 1:8 да бўлиб, 25-27C^0 ҳарорат, 40-50% намликда зараралаш даражаси 65-70 %ни, яшовчанлик 4,8 кунни, эркак ва урғочи жинсий нисбат 1:8 эканлиги аниқланди. Олинган тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики мум парвонаси тухумларида кўпайтрилган Trichogrammatoida bactrae дон куясига нисбатан юқори самарадорлик бериши аниқланди.

Тричограмматоида бастрае ғумбаклари йиғиб олиниб +3 ҳароратда да музлатгичда 1 ой мобайнида сақлаш жараёнида яшовчанлик 70% ни 40 кунда 50% яшовчанлиги аниқланди.

Шундай қилиб ўтказилган тажрибалар натижасида Trichogrammatoida bactrae қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандалари Lepidoptera туркуми вакиллари Noctuidae, Pyralidae, Gelechiidae оиласи тухумларига қарши қўлланилганда юқори самарадорлик олинди.

